

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 23 апрель Чоршанба. № 32 (14425)

## Танловга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Республикада Мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида энг сара сценарийлар учун очик танлов эълон қилади.

**Танлов шартлари:**  
Муаллифлар томонидан тақдим қилинадиган сценарийларда истиқдолнинг йўли, унинг дастлабки дадил қадамларидан самаралар, Ватанни англаш, Ватанпарварлик, иймон-этиқод, мерос ва аъёнларга ҳурмат, Мустақилликнинг қисқа давр ичидаги ютуқлари, халқимизнинг буюк келажакка ишончи, халқлар дўстлиги, миллий қадриятларнинг қарор топиши, юрт мустақиллиги учун курашган аجدларимиз руҳи, ҳар бир фуқаронинг маънавий камолоти каби мавзуларни қамраб олмоғи, уларни байрам тантаналарининг устивор йўналиши сифатида бадиий акс эттирмоғи лозим.

Сценарийда байрам ўтказиладиган пойтахтнинг Мустақиллик майдони назарда тутилиши шарт. Танлов муддати шу йилнинг 1 июлигача.

**Танлов мукофотлари:**  
1 ўрин — Бир юз эллик минг сўм  
2 ўрин — Юз минг сўм  
3 ўрин — Эллик минг сўм

Байрам сценарийси бир ярим соатта мўлжалланиши ва уч нусхада кўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллифлар ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф қатнашишлари мумкин.

Сценарий кўлэмлари тахрир қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифлари ва турар жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини куйидаги манзилга жўнатишлари лозим.

**700129 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30 уй, 1 қават, 2-хона.**  
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги**  
тел: 44-63-73 44-63-63

## ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Мамлакатимизда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига пухта ҳозирлик қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида фестивал мусиқий дастурини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳларининг биринчи йиғилиши бўлди. Унда Республика маданият ишлари вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев мазкур ишчи гуруҳларининг вазифалари ҳақида тўхтади.

Йиғилишда таъкидландики, уч йўналиш бўйича ўтказиладиган фестивалда шарқ халқлари мусиқий меросига алоҳида аҳамият берилди. Ижро этиладиган асарларни баҳолашда миллий хусусият, ўзига хослик асосий мезон бўлади. Ана шу талабга жавоб берадиган асарларни танлашда масъулиятли вазифа ишчи гуруҳлари зиммасига юклатилган. Зеро, улар танлаган асарлар фестивалда қатнашиш учун ташкилий кўмитага тавсия этилади.

Йиғилиш қатнашчилари ижодий гуруҳлар ишини тақомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирди.

(ЎЗА).

## ОРЗУЛАРГА ЕТИШМОҚ

### АСЛИ...

Интиланганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган экан. Искандар акам билан ҳар кунни бирга дарс тайёрлаб ўтириб, ўз орзуларимиз ҳақида узоқ суҳбатлашардик. Акам: «Мен дунёни айланиб чиқсам, Америкада ўқисам, ўша қудратли мамлакатларда амалиёт ўтасам, армоним қолмасди», деб кўп айтардилар.

Нияти холис экан, шундай кунларда «Ўзбек-турк» лицейи иқтидорли ўғил болаларни қабул қиларкан, деган янгилик эшитдик. Акам ҳам омадини синаб кўрмоқчи бўлди ва энг юқори баҳолар билан имтиҳондан ўтди. Ҳатто, Америкага борадиган 25 нафар ўқувчининг бири бўлди. Омад кулиб боқди. Акамнинг кечалари тинимсиз дарс тайёрлашлари, ҳатто тушларида ҳам инглиз тилини ўрганишлари ўз самарасини берди.

Акамга ҳар томонла-


ма ҳавас қилиб, мен ҳам фақат аъло баҳоларга ўқишга бел боғладим. Айниқса, ўзим севган тарих ва ҳуқуқ фанларини жиддий ўрганганман. Менинг ҳам номим аълочилар қаторидан ўрин олди.

...Анджонлик беш нафар ўқувчи турли фанлардан синовлардан ўтдик. Ўқитувчиларим эса «Ғолиблар Тошкентга бора-сизлар, сизлар «Камолот» совриндорлари бўлдингиз, деб қолдилар».

Тошкентга ҳам бордик. Ўша «Камолот»да ишлайдиган акалар билан учрашдик. Улар бизга совгалар, китоблар беришди. Бизларни яна ҳам яхши ўқишимизни, ишончларини оқлашимизни айтдилар. Биздан умидлари катта эканини, чет элларга ҳам ўқишга юборишларини билдирдилар.

Тошкентдан жудааям хурсанд бўлиб қайтдим.

Мана, ҳозир ўзимнинг стипендиям бор. Уни эса сеvimли китобларим, керакли ўқув қуролларим



учун сарфлаяпман.

Катта бўлсам ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Бунинг учун ҳозирдан қонунлар ва жамиятшуносликни яхши ўрганиб бораёман.

Мана, Искандар акам ҳам ўз ҳаракати билан, меҳнати билан орзуларига эришмоқда.

Мен ҳам «Камолот» ажратган стипендиягагина эмас, билдирган ишончга лойиқ етук инсон бўлишга бор кучимни сарфлайман.

Орзуларимга албатта эришаман.

**Музаффар НЕМАТЖОНОВ,**  
Анджон шаҳридаги 2-гимназия ўқувчиси.

## НАВОИЙ ТУМОНЛАРДА

### «ШУНҚОРЛАР» БЕЛЛАШДИ

«Камолот» жамғармаси Навоий вилояти бўлими Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорликда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказдилар.

Унда туман ва шаҳарларда голбиклини қўлга киритган мактаб ва лицей ўқувчилари беллашдилар. Мактаблар ўртасидаги қизгин беллашулда Хатирчи туманидаги 5-мактаб ўқувчиси биринчилиكنи қўлга киритди, иккинчи ўрин Навоий шаҳридаги 11-мактабга, учинчи ўрин эса қизилтепалик 15-мактаб ўқувчиларига насиб этди.

Ғолибларга «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг қimmatбахо совгалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

### «БЕЗАК» НУРОТА КЎРКИ

«Камолот» жамғармаси Нурота тумани бўлими қошида фаолият кўрсатаётган «Безак» кичик корхонаси сержило, турли хил ҳажмдаги ёзувлари, чиройли кўргазмалари расм, безаклари билан туман марказидаги кўчаларга кўрк бермоқда.

Дастлаб 400 минг сўм билан иш бошлаган бу корхона бутунга келиб, ҳар ойда ўртача 500 минг сўмгача соф даромад қилмоқда.

### «ХАМШИРА-97»

«Камолот» жамғармаси Навоий шаҳар бўлими шаҳар тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда «Хамшира-97» кўрик-танловини ўтказди. Унда шаҳардаги барча тиббиёт муассасаларидан ҳамширалар иштирок этишди.

Танловда биринчилиكنи шаҳар бирлашган шифохонаси аёллар саломатлигини сақлаш бўлими ҳамшираси Ойгул Ҳақимова, иккинчи ўрин эса қон таркибини аниқлаш бўлимининг ҳамшираси Нодира Қурбоновага, учинчи ўрин реанимация бўлимининг ҳамшираси Нигора Бобкуловаларга насиб этди.

**Ш. ҚАРШИЕВ,**  
Туркистон мухбири.

## УЧ ТАШКИЛОТ БИРЛАШИБ...

Қирбай тумани «Обод» маҳалла гузарига бўлиб ўтган «Маҳалла — тарбия ўчоғи» мавзудаги давра суҳбати ёшлар тарбияси муаммоларига бағишланди. Унинг сўнгги даври мурожаатнома қабул қилинди. Унда куйидаги жумлалар бор:

Асрий орзуларимиз рўйбга чиқиб, истиқлолни қўлга киритиш, мустақиллигимиз тўғрисида тарбиявий таълимнинг янги босқичлари бошланган бир тарихий даврга яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Эрк ва мустақиллик шарофати ила бунёд этилаётган буюк яратувчилар ишларининг вевосити гувоҳи ва иштирокчимиз. Шу жоҳондан, мустақил Ватан туйғуси барчамизга чексиз

ифтихор бахш этиш билан бирга ҳар биримиздан алоҳида сафарбарлик ва фидоиликни талаб этади. Маслаҳат, ҳамжихатлик билан қилинган иш ҳеч қачон тарқаммайди. Бунинг ўз вақтида аниқлаш «Камолот» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда иш бошлашга қарор қилди.

Жиноятчилик, ишсизлик айрим ёшларнинг бекорчилигидан, лаёқатсизлигидан келиб чиқмоқда. Ёшларни тарбиялайдиган биринчи маскан маҳалла бўлмоғи даркор эканлигини давра суҳбатида сўзга чиққан ҳар бир суҳбатдош таъкидлаб ўтди.

— Маҳалла билан бирга бўлсак биз ёшларни яхши-

роқ ўрганишга имконият ярата оламиз, — деди «Камолот» жамғармаси бошқарувчи раиси Х. Абдураимов. Гузарга йиғилганлар ҳар галгидек асосан ҳисоботга эмас, балки муаммоларга кўпроқ тўхталишди. Қилиниши керак бўлган ишлар белгилаб олинди.

Маҳаллаларнинг обрўини ошириш фақат маҳалла аҳлининг эмас, балки ҳамма-нинг иши. Чунки ҳар биримиз ишга, ўқишга, кўвчиларимизга, богчага боришда ҳам маҳалладан чиқамиз. Бу давра суҳбати иштирокчилари боласини яхши кўрган, юртни севган, обрў топган ота-оналарга, маҳалладошларга мурожаат қилди: Маҳалла — тарбия ўчоғи бўлсин!

**«Туркистон» мухбири.**

## «ТУРКИСТОН»ДАН ЁРДАМ СЎРАГАНДИНГИЗ

«Туркистон» газетасининг 1997 йил, 5 февраль сониде эълон қилинган «Кўзингизни очинг, раис бува» сарлавҳали танқидий мақолага Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев имзоси билан жавоб хати олинди:

«Туркистон» рўномасининг 1997 йил, 5-февраль сониде чоп этилган «Кўзингизни очинг, раис бува» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан куйидагиларни маълум қиламиз.

Ушбу мақола юзасидан вилоят ҳокимлигида комиссия тузилиб, ўрганиб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган хато-камчиликларни бартараф этиш, жамоа ҳужалигида ижтимоий иқтисодий аҳволини яхшилаш ва 1997 йил ҳомили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди ва тегишли чоратадбирлар белгиланди.

Мазкур чора-тадбирларнинг бажарилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олди.

Шунингдек, газетамизнинг 1997 йил, 29 январь сониде басилган «Ўзим ёзмақчи эдим» сарлавҳали танқидий мақолада Талабалар шаҳарчасидаги аспирантлар уйида жой етишмаслиги, чет кишиларнинг яшashi, юқори қаватларга сув

чиқмаслиги ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди.

Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими А. Ақром-хўжаев имзоси билан олинган жавоб хатида газетани чоп этилган мақолада келтирилган камчиликлар бўйича текширув натижалари Тошкент Давлат Университетининг 17-сонли аспирантлар ётоқхонаси кенгайтирилган кенгашида атрофида муҳокама этилгани ҳамда бу борада зарур чоратадбирлар ишлаб чиқилганлиги маълум қилинди.

Газетамизнинг бир қатор танқидий чиқишларига ҳамда газетани босилмаган, аммо тегишли ташкилотларга юборилган шикоят хатлари ижобий ҳал қилинганлиги ҳақидаги жавоб хатлари олинди. Жумладан, Оқдарё туманидаги Ойтамғали қишлоғида яшовчи Э. Эштурдиевнинг шикоят-аризасига Самарқанд вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлигининг ўринбосари М. Жўраев имзоси билан; Когон шаҳрида яшовчи Норбиби Атоеванинг шикоят-аризаси бўйича Когон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Б. Норов имзоси билан; Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Султон Қодиралиев шикоят бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси А. Тўхташев имзоси билан олинган жавоб хатлари ана шулар жумласидандир.



## МАШХУР ФУТБОЛЧИНИНГ ХАДАСИ

Фазалкентда футбол мавсумининг очилишига бағишланган байрам катта тантананага айланиб кетди. Уни Бўстонлик туман ҳокими Абдуманноп Аб-

дувосиқов очар экан, туманда футболнинг ривожланиши йиғиларнинг жисмонан соғлом бўлиб етишишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Байрамга ташриф

биринчилиكنинг 11-табақа вакиллари «Фазалкент» ва Оққўрғоннинг «Истиқлол» жамоалари майдонга тушишди.

**Сурат муаллифи**  
**Машраб НУРИНБОВ**

Республика Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари мажмуасининг йиллиги бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғиломова бошқарди.

Мажлисда хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаларининг шу йил биринчи чоратидаги фаолияти натижалари ҳамда уларнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оилада маънавий тарбияни кучайтириш борасида олиб бораётган ишлари муҳокама этилди.

Йиллишда шўъбалар фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилмаган чоратадбирлар дастури» асосида ташкил этилаётгани таъкидланди.

Айни вақтда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, шарқона ахлоқ-оқоиб ва маданиятни тарғиб қилишда муҳим тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътибор жалб этилди.

ВАШИНГТОН. Американинг Миссури штатидаги Уайтмен ҳарбий базасида замонавий «В-2» қирувчи самолётни сновдан ўтказилди. Ушбу самолёт «Степ» технологияси асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, унга «В 61-11» русумли ядровий авиабомбалар ўрнатилган. «В-2» ҳар қандай об-ҳаво шароитида уча олади. Ундаги ядро бомбалари душманнинг ерости ҳарбий пунктларини яқсон қилишга мўлжалланган.



БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Кавказорти мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Озарбайжон, Арманистон ва Грузияга ташриф буюриб, ушбу давлатлар раҳбарлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро сарможаларни ҳимоя қилиш, халқаро транспорт ва коммуникацияга доир музокаралар олиб боради.

БАЙРУТ. Исроил авиацияси Ливаннинг жанубидаги «Хизбуллоҳ» ташкилотни қароргоҳини ўққа тўтди. Маълумотларга қараганда, Исроил билан ҳамкорлик қилаётган «Жанубий Ливан армияси» сафиде хизмат қилаётган бир зобит ва икки аскарнинг «Хизбуллоҳ» жангарлари томонидан ўлдирилгани ушбу бомбардировка сабаб бўлган. Бомбардировка тўғрисида «Хизбуллоҳ»га етказилган талофат ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Тошкентдаги Олимпия шон-шўхрати музейида америкалик таниқли таэквандочилар, машҳур спорт устаси Брюс Линнинг устози ва дўсти жаноб Жон Ри билан учрашув бўлди.

Ҳозирги вақтда спорт оламида Осиё чемпионли номини олган футбол бўйича миллий терма командангиз тўғрисида. Жаҳон чемпион-боксни Артур Габриэляннинг аjoyиб ғалабалари ҳақида, ўзбекистонлик таэквандочиларнинг ютуқлари тўғрисида кўп гапирмоқдамиз. — деди у — Олимпия шон-шўхрати музейида тўпланган экспонатлар Ўзбекистон спортчиларининг ютуқларини, уларнинг мислизи имкониятларини кўрсатиб турибди. Жаноб Жон Ри ўз режаларни тўғрисида гапириб, ҳурмат, шахсан Президент Ислом Каримов спортни ривожлантиришга жиддий эътибор бераётган Ўзбекистон билан ишончли ва самарали ҳамкорлик қилиш умидида эканини айтди. Бу ҳамкорликка Тошкент автомобиль йўллари институтида таэквандо мутахассислари-устозлар ва спортчилар учун ўтказишни мўлжаллаётган семинарда асос солинди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 22 апрелдан бошлаб ҳисоб ва боғхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг қийматини 59 сўм 50 тийин миқдорига белгиледи.

«Туркистон» ва ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСАЛРИ  
ЖАМОА ФИКРИ

Шиддатли давримизнинг хусусиятларидан бири жамоатчилик фикрининг ижтимоий жараёнларга тобора кучли таъсир кўрсатаётганлигидир. У навбатда ахборот ва мулоқот воситаларининг тез ривожланиши асримизнинг зарурати бўлиб, жамоатчилик фикрининг кенги қамрови ва шакллантирилмоқда. Шу маънода жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш ва ўрганиш пайти келди.

Кўпгина гарб социологлари бу ижтимоий ҳодисанинг мураккаблигини таъкидлашди. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш ёки ўлчаш мушкул. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс ҳатти ҳаракатида ҳам, омма ҳулқ-аъворида ва фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

Бундан ташқари, оила тебратишдан тортиб то жамиятнинг бошқаришга ёши катталар обрўсига таяниш анъанаси мавжуд. Масалан, маҳаллада, қатта-кичик жамоада бирор расмий ёки норасмий талбир ўтказилган бўлса, аввало, ўша маҳалла, жамоа ёки қишлоқнинг оқсоқолларига мурожаат қилиниб, уларнинг фикри аниқланади (ва шу асосда қарор қабул қилинади).

Мавжуд ижтимоий муаммолар тўғрисида турли-хил гуруҳларнинг ҳар хил фикрлари бўлиши табиийдир. Шунинг учун биз жамоатчилик фикри тўғрисидаги фанни ривожлантира бориб, жаҳон тажрибаси, хусусан, Гарб таъжрибаси, ўз анъаналаримиз, янги жамиятимизнинг ижтимоий-маданий омилларини ҳисобга олишимиз зарур.

Жамоатчилик фикри жамиятнинг буғунги кунининг кечиктириб бўлмаз муаммолари билан боғлиқ. Шу маънода жамиятнинг жамоатчилик фикрини аниқлашга бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Айниқса, жамиятимиз бозор шароитида тобора таъабаларга ахрабл бораётган бир шароитда жамоатчилик фикрининг ўрганиши ва у билан ҳисоблашнинг эҳтиёжи сезилмоқда.

Жамоатчилик фикри тўғрисидаги ахборотга эҳтиёжнинг ошиб бориши табиий жараёндир. Аммо шунга мос равишда уни ўрганишнинг модал-техник асосини ҳам яратиб бориш талаб этилади. Биринчи навбатда социологларнинг маълумотларини ўз ичига олган ҳисоблашнинг зарурлиги кўриб чиқилган. Жамоатчилик фикрининг ўрганишида социологларимиз олдида бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий муаммо, бу коммуникатив тизимларнинг етишмаслиги ва бундан келиб чиқадиган ахборот оқимининг заифлигидир.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, ахборот-коммуникация воситалари (матбуот, радио, телевидение) ёрдамида зарур жамоатчилик фикри ўрганишнинг зарурлиги кўриб чиқилган. Жамоатчилик фикри институтининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини кўриш мумкин. Бу институт 1935 йилда ташкил этилган. Бу институт шундан бери ҳар ҳафта турли сессий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар юзасидан жамоатчилик фикрини аниқлаб туради. 1947 йилда Америка жамоатчилик фикрининг ўрганишчилар ассоциацияси тузилган эди. Унга академия соҳаси вакиллари социологлар, руҳшунослар ва бошқа мутахассислар кирди, ҳамда улар хусусий компаниялар, федерал ва маҳаллий ҳокимият, университетлар, илмий-техникерлар ташкилотлари, оммавий-ахборот воситалари учун тадқиқотлар олиб боради. Ассоциация ҳар йили Бутунжаҳон жамоатчилик фикрининг ўрганишчилар Ассоциацияси билан биргаликда конференциялар ўтказишни режалашган. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш ёки ўлчаш мушкул. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс ҳатти ҳаракатида ҳам, омма ҳулқ-аъворида ва фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

Зеро, бизнинг ахборот ва алоқа воситалари ривожланган асримиз жамоатчилик фикрининг кенги қамрови ва турли услубларда ўрганиш борасида улкан имкониятлар ва шарт-шароитлар яратди. Ҳозирда жамоатчилик фикри билан ҳисоблашнинг илгор жамиятнинг ўзи йўқ. Ахборот майдонини ҳосил қилиш учун ривожланган маълумотлар барча имкониятлар иштирокида қилинмоқда. Бунда оммавий коммуникация (мулоқот) ва ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение) ёрдамида зарур жамоатчилик фикри ўрганишнинг зарурлиги кўриб чиқилган. Жамоатчилик фикри институтининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини кўриш мумкин. Бу институт 1935 йилда ташкил этилган. Бу институт шундан бери ҳар ҳафта турли сессий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар юзасидан жамоатчилик фикрини аниқлаб туради. 1947 йилда Америка жамоатчилик фикрининг ўрганишчилар ассоциацияси тузилган эди. Унга академия соҳаси вакиллари социологлар, руҳшунослар ва бошқа мутахассислар кирди, ҳамда улар хусусий компаниялар, федерал ва маҳаллий ҳокимият, университетлар, илмий-техникерлар ташкилотлари, оммавий-ахборот воситалари учун тадқиқотлар олиб боради. Ассоциация ҳар йили Бутунжаҳон жамоатчилик фикрининг ўрганишчилар Ассоциацияси билан биргаликда конференциялар ўтказишни режалашган. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш ёки ўлчаш мушкул. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс ҳатти ҳаракатида ҳам, омма ҳулқ-аъворида ва фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

ЖУРНАЛИСТ ДАВР ВИЖДОНИ

батан анча пухта ишланган сезилиб турибди. Бизнингча «Ахборот олиш қарорлари ва эркинлиги тўғрисида»ги 6-моддага ўзгариш киритиб, сўровни кўриб чиқиш муддатини уч кундан бир неча соатга қисқартириш лозим, лекин ҳеч қачон 30 кун эмас. унда журналистнинг тежкорлиги қарда қолади? Ахборот олиш таъминлашга бағишланган 4-модда «Журналистларга ахборот олиш учун қўшимча имтиёзлар яратилиши лозим» жумласи билан тўдирилиши керак. Гап асо-

лар ёш ва кекса журналистларга ҳам уларнинг ижодий фаолиятида яқиндан ёрдам бериши шакл-шубҳасиздир. Олий Мажлис мазкур Қонунлар лойиҳаларини навбатдаги сессиясида қабул қилиш билан чекланиб қолмай, ривожланган давлат билан умид қилиб келинаётганлик узамкистон журналистлари Кодексини ҳам ишлаб чиқади ва уни қонунлаштирадиган, деб уми қиламиз. Тошкент Давлат Университети журналистика факультети халқаро бўлимида таҳсил олаётган бир гуруҳ

риб қолишлари мумкин бўлган ахборотни олиш учун кўп қолларда бошқа касб ва ном эгаси сифатида ўзини танитида. Бу қонунга зимда ёки мумкинми? Бу масалани ҳам ойдинлик киритиш керак, деб ҳисоблайман. Тўғри РҲҲИБОЕВ, III-курс толиби: - Журналистга берилиши мўлжалланган ҳуқуқларнинг кенг ва кўп тармоқли экани диққатга сазовордир. Лойиҳанинг 5-моддасида журналистнинг фаолияти чоғидаги ҳуқуқлари кўрсатилган, лойиҳанинг 6-моддасида эса журналис-

рот манбаи ёки муаллифнинг жамиятга зиён етказадиган бирор фаолиятини ошқор этиш учун уларнинг руҳисиз аудио, видео ёзиш воситаларидан фойдаланган бўлса, бу ҳол кўпгина ривожланган мамлакатларда қораланмайдир. Бизнинг шароитимизда эса тажрибалироқ адвокат бу ҳолда осонгина журналистни айбдор қилиб қўйиши мумкин. Бугунги ўзбек журналистиксининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун ушбу қонунларнинг етарли даражада туртки бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. И. ТҲҲИМАНОВА

СПОРТ ВА САЛОМАТЛИК ҚОШОНАСИ



Яна бир неча ойдан сўнг пойтахтдаги "Чорсу" спорт-соғломлаштириш маркази одамлар билан гавжум бўлади. У республикадаги шундай шиносларнинг энг ноёби ҳисобланади. Мажмуанинг 10 миңг футбол ихлосдонларига мўлжалланган ўйнашчи "Узжаммоқурлиши" бирлашмаси томонидан қад қўтармоқда. 2,5 миңг томошабинга хизмат кўрсатадиган енгил атлетика, бокс, оғир атлетика, теннис майдонлари қурилишларида ҳам сўнгги буюмлар қилиб бажарилимоқда.

Спорт ва саломатлик қошонаси қурилишида "Чирчиққурлиши", "Тошкентсаноатқурилиши" сингари кўлаб ташкилотларнинг буюмлари ҳам тез ва сифатли меҳнат қилишмоқда.

Суратларда: "Чорсу" мажмуи қурилиши; Фарғонадаги 8-кўма механизациялаштирилган жамлама пардозчилар бригадир Маҳмуджон Боймбетов

Суратқаш А. Герасимов.

**БОЛАЛАР БАЙРАМИ**

Хар йили Туркияда болалар байрами тантана иштирокчилари Туркия давлат радио ва телевидениеси (ТРТ) ташаббуси билан улар жаҳоннинг турли мамлакатларидан болалар ансамблилари тақдир этилади. Бу анъанага биноан меҳмон бўлиб келган болалар турк ойналарида иштирокчи бўлиб, шаҳарнинг энг гавжум жойларида концертлар берадилар, мамлакатнинг диққатга, сазовор жойлари билан танишадилар.

Бўй 40 мамлакатидан 1200 нафар меҳмон келиши кўтилмоқда. 16-25 апрел кунларида мўлжалланган байрам дастурига кўра қизқарли урчулар, концертлар, сафарлар уюштирилади. 23 апрель кунини эса Анқарадаги Отатурк спорт саройида якуновчи концерт бўлиб ўтади.

Ўзбекистонлик болалар ҳам бу тадбирларда бир неча йилдан бери муқтаж қатнашиб келади. Бу сафар Тошкентдаги Темирйўлчилар Маданият саройи ҳузурида "Ассалом, кўеи!" ансамбли аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этидилар. Муборак Мирзаева раҳбарлигида 24 уғил ва қиздан иборат ракс ансамбли ўзбек миллий уйлари, жаҳон халқлари рақсларини ижро этиди.

**Н. Муҳаммадиев, "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири, Анқара.**

Не бахтки мустақиллик туғайли қадриятларимиз тикланмоқда, маънавий-маърифий қанот ёзиб, миллий гуруримиз, урф-одатларимиз тикланмоқда. Тошкент Миллий боғида бу йилги Нарўз тантаналарининг кўриб, ўзгача завқ олдим. Чунки, бу тантана миллий қадриятларимиз намойиши бўлди. Мени айниқса, Ўзбекистон вилоятларида ашювчи эл ва элатларнинг ўзига хос ранго-ранг миллий кийимларида чиқиши қувонтирди. Шу билан бирга бу кўриниш яқин ўтмишнинг мизини ёдига солди-ма, маънавий таъмиримизнинг муҳим кўринишларидан бири бўлган кийиниш маданияти, айниқса, аёлларнинг либосининг ҳозирги аҳволи мени бир-зум хаялга толдириди.

Аёллар либоси қадимдан жамиятда ифрат ва ҳаё, номус ва нафис ҳис-туйғу пардаси бўлиб хизмат қилган. Аёллар либосининг матоси ҳам нозик ва гўзал матолардан таянган. Унинг тикилиши ниҳоятда фаросат ила ижро қилинган.

Мен Нарўз байрами саҳнасида кўрганларим шу ҳақиқатнинг ифодасидай ўқрамлигидан қандайлик шод бўлсам, шаҳар кўчаларида учратганларим дилнимни шунчалар хира қилди. Нега?

Афсуски, буни кўпчилигининг ўзи сезмайди, уларни кўрган ҳам

қуниқиб қолгани учунми, эътибор бермайди. Собик совет даврида маънавий-маърифий но озик туйғулари заифлаштириб, ўтмаслаштириб юборилган. Миллий кийим кийиш - дўпдўда юриш, рўмол ўраш, ироқили лозимда юришни маън этган амалдорлар ҳам йўқ эмасди.

Совет даври аёлларининг эркакшоҳа ҳаёт кечиршига, фуфайка кийиб, тракторга минашига, этик кийиб, кетмон қошишга мажбур этиди. Бундай турмуш тарзи аёлларимизнинг аёллик нафис ҳислатларини кўп қоллаштириб юборди. Ушбу зоб берган, аёлларнинг либослари тантанали бўлиб берадилар. Собик совет даврида маънавий-маърифий миозининг но озик туйғулари заифлаштириб, ўтмаслаштириб юборилган. Миллий кийим кийиш - дўпдўда юриш, рўмол ўраш, ироқили лозимда юришни маън этган амалдорлар ҳам йўқ эмасди.

Совет даври аёлларининг эркакшоҳа ҳаёт кечиршига, фуфайка кийиб, тракторга минашига, этик кийиб, кетмон қошишга мажбур этиди. Бундай турмуш тарзи аёлларимизнинг аёллик нафис ҳислатларини кўп қоллаштириб юборди. Ушбу зоб берган, аёлларнинг либослари тантанали бўлиб берадилар. Собик совет даврида маънавий-маърифий миозининг но озик туйғулари заифлаштириб, ўтмаслаштириб юборилган. Миллий кийим кийиш - дўпдўда юриш, рўмол ўраш, ироқили лозимда юришни маън этган амалдорлар ҳам йўқ эмасди.

юзига келган замонвий шарқона эҳтиёжларига мос, нозик табиатига хос шароит яратилган бўлур эди.

Президентимизнинг бадиий ҳунармандчиликни тубдан яхшилаш янада ривожлантириш ҳақидаги фармони кўп жиҳатдан бу ишларга қанот бўлади. Анъанавий заргарлик буюмлари, бадиий тақинчоқлар кўпаяди. Тўқмачилик санъатимизда юз бераётган янгиликларимиз қорхоналарининг ҳам шу максатда наф келтирадиган томонларини кучайтириш зарур.

Тикувчилик устаконалари, фабрикалари замонамизга мослаб қайта қурилиши керак. Аёллар кийимининг билимдонлари, моделерлари курси ШАРҚШУНОСЛИК олийгоҳида ташкил этилса, у илмий ва қадимдан жамланган тажрибаларга асослан мақсадда мувофиқ бўлади. Бунинг учун шу соҳанинг илмий йўлга қўйиш, тарихини яратиш, биринчи гада Ўзбекистон миллий кийимлар тарихи альбомини чоп этиш керакка ўшайди.

Шарқона ифрат, катталарга ҳурмат, ота-онаю, ўз ҳалолита беминнат хизмат, чиройли кийиниш, саранжом-сариниш таъдларимизнинг ҳуснига алоҳи хусн бўлиб қўйилади. Бизнинг аёлларимиз ана шу хусусиятлари билан ҳам гўзал, ҳам хосиятдилдилар.

**Зухра РАҲИМОВА, санъатшунослик фаилари номзоди, доцент**

**Ёшлар бекаети**

**ҚОРДУ "КАМОЛОТ" ЖАМГАРМАСИДА**

Бердақ номидаги Қорқақпоқ Давлат Университетининг "Камолот" жамғармаси жамоатчилик маркази ўзининг бир йиллигини улкан ютуқлар билан қарши олмақдалар.

Ёшларга асос қилиб келётган Улўбек Асановнинг сайт-харакатлари билан бир қанча ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Камолот" жамоатчилик маркази қошида "Ёшлар" театри - студияси ташкил этилиб, ёшлар билан иш олиб бормоқда. "Турон" ёшлар марказида ҳам "Камолот" фаолият кўрсатмоқда. Унда ҳар хил клублар ташкил қилинган. Маънавий-маърифат хоналари ташкил этилган бўлиб, ўқитувчи ва талабалар учун хизмат қилмоқда.

Шунингдек, "Камолот" жамғармаси жамоатчилик маркази Университет талабалари ўртасида ҳар турдаги мусобақалар, концертлар, кечалар ўтказиб туради.

Яқинда ўтказилган "Ойнайки" уйлаш, қизлар филаркл орқали илм конини эгаллаш, "Зийрак қизлар", "Наврўз" каби талбирлар бўлиб ўтди ва барча йилгиланларда катта таассурот қолдириди.

"Энг иқтидорли талаба" танлови ҳам талабаларга катта имконият оғиб бериб. Унда широк эртан ёшлар ўзларининг ҳар томонлама синодан ўтказдилар. Буларнинг барчасида "Камолот"нинг ҳиссаси катта.

Бугунги кунда марказнинг олиб бораётган ишлари мақташга аригуликдир. Келгусини эса вақт кўрсатади.

**Минажотдин ҚУТЛИМУРОВ, ҚорДУ Журналистика бўлими 3 курс толиби.**

**"БАҲОРНИНГ ҚОҚ УРТАСИ"**

Пойтахтимиизнинг марказида Сайилгоҳ кўчасида жойлашган М.Горький номидаги драма театрини биласиз-а?

Республика "Камолот" жамғармасининг ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ажойиб кеча уюштирилди.

Табирнинг ёшлар қалбига йўл топа олишида ТошДУнинг "Шовбулар" театр-студияси жонбозлик кўрсатди.

"Баҳорнинг қоқ уртаси" деб номланган ушбу шоу дастурда "Шеърят кечаси", "Туш-уч пардали кўриниш", "Мисс-97" қизқарли юморга бой саҳна кўринишлари ўрин оланди.

"Олов" гуруҳи, Улўбек Жураев, Влад Усмонов, Зиявуддин Мулложоновларнинг куй-қўшиқлари кечани янада сермазмун этиб, ёшларга ўзгача завқ-шавқ бахш этиди. Қалби қайноқ ёшларнинг саҳнани тўлдириб рақс тушишлари эса барчага шодлик улашти.

Ёшларнинг қувончларига шерик бўлар эканмиз беихтиёр тарқ этма бизни ЕШЛИК дея хайқирганиз келади.

**Феруза ОРИПОВА "Туркистон" муҳбири**

**БАППИ, ШУНҚОРЛАР!**

**Андижон. ("Камолот" жамғармаси Андижон вилоят бўлими раисининг ўринбосари Одижон ДАЛИШЕВ телефон орқали хабар қилади.)**

- Кунини кеча Асак туманида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт қурик-танлови мусобақасининг финал ўйинлари қизгин курашлар билан ўтди. Республика кўрик-танловида қатнашиб ҳуқуқини берадиган иккита йўлланма учун бта мактаб ва 4та ҳунар лицейи ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Хам жисмоний, ҳам сийсий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган Избоскан туманидаги 34-урта мактаб ва Андижон шаҳридаги 4-хунар лицейи ўқувчилари голиблар шўхуспасидан ўрин олишди.

Мусобақа голиблари телевизио, магнитофон ҳамда вилоят "Камолот" жамғармасининг махсус эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



МАРДЛАР ҚЎРҚЛАЙДИ ВАМАҲНИ

# КЎРИНГ, ХАВАС ҚИЛИНГ



Ўзбекистон Республикаси Ешларининг «Қамолот» жамғармаси бошқаруви ҳамда жамғарма муассислигида нашр этилаётган «Ёш куч» таҳририятли жамоаси Чирчиқдаги танкчилар тайёргарлигини қўллаб-қувватлаш мақсади билан, ватанимизнинг бўлажак посбонларини ҳушуд этувчи бадиий-нждий кеча утказди.

Мадааний хордиқ руҳни тетик, ақлни тебан ва кўзини равшан қилгани каби, бўлажак зобитларни ватанга садоқат, миллий осори- атиқаларимизнинг қадрига етувчи, шу тупроқда туғилганидан факрланувчи, миллий ғурурни юрак-юракдан ҳис этувчи руҳда тарбиялаш учун таянч учоғи ҳамдир.

Кечада таниқли шоир Нормуроод Нарзуллаев, шоирлар Абдували Қўтбиддин, Азиз Саид ҳамда ҳарбий билим юрти санъаткорлар гуруҳи ўзларининг жонбапи шеърларни, кўй-қўшиқларни билан қатнашчиларга завқу-шавақ бағишладилар.

Бадиий-нждий учрашув сўғида «Ёш куч» журнали потереси гопибларга қимматбахо совғаларни жамғарма бошқаруви раисли ўринбосари К. Юсупов ва «Ёш куч» журнали бош муҳаррири Э. Абдурахмоновлар топширдилар.



## НОМУССИЗНИНГ НОНИ...

Дам олиш кунини Сирғали дехқон бозорига галати бир роқсаннинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл тўсатдан мена-чеза растанси олдида турган боланинг ёқасига ёпишибди: «Пулдими бер, пулдими... Уғри, муттаҳам!» — дея бақирди у. Бола довлариб: «Вой, қанақа пул?! Нима дейсиз?» — дея эътироз қилишга уринди. Аёл бўла, баттар овозини кўтарди: «Пулдими чўз, муттаҳам!» Томошабин бўлиб турганлардан кимдир: «Уғлим, пулингни чиқариб кўрсат!» — деди. Бола чиқарди. Ҳамнингнинг ичиде тахланган пул бор экан. Аёл шартта тортиб олиб, санаб кўрди-да: «Мана шу пуллари меники, эди!» дея чўнтағига урди-ю, жуфтакни ростламоқчи бўлди. Хушига келган бола: «Э, хола, тўхтанг, бор-йўқ пулим шуку», дея унга осилди.

Савдогар хотинлардан бир-иккитаси аёлни тўхтатишга уринишган эди, қий-чув кўтарилди. Шу орада милиция келиб, аёл билан болани олиб кетди. Хотинларнинг гапига қараганда, бу аёл кўндал бери шундай қилиб кўрсатиб тураркан. Баъзи бировлар шубҳа билдиришди: «Аёл келиб-келиб ёш болага ёпишди?» Одамлар тарқалишди. Мен ҳам ўз йўлимга кетдим. Лекин бир савол тинчлик бермайди: «Наҳотки аёл зоти шу қадар пасткашликка бора?» Бу нима: чархи дуннинг қора тамғасини ёки нафис балогардоннинг муҳқи хуружини? Сиз нима дейсиз, муҳтарам газетхон?

Нордамин Тўраев.

## КЕЛИНГ БИР, ҚУЛИШАЙЛИК

Директор олми соҳибини ишга олишти. Ҳага келса, қобили суршиштиришти:

- Хўш, олми соҳибини оли қанақа жон?
- Эндибор бералим арга...
- Қўларни тирмади жонини?
- Айбонмай-ку, пайқалганим арга...
- Довқан, қанақа қийнақ жон, — айб...
- Ҳа, буни айбонмай, ҳуда тез қийнақ жон...

\*\*\*

Эр милицияга қобилини аққолали ҳақида ари қилиб келишти:

- Қобилининг қатон сойиб бўларди?
- Беш дам абвал.
- Энди ари қийнақ жонини?
- Баласизми, буна эрим ҳам энди шонқин...

## ДИЛДА УНУБ ЧУҚАДИ ҲИМОН...

САҲИЁР

### ҲОН КЕЛИМАЙ

Ҳон келимай? — сўради улим,  
Ғалм номини яхши кўради.  
Ҳон дўкандан бўлмоқди, були  
Ҳон келимай бир кун сўради:  
— Қим яратар буларни, дада?

Кўрсатмоққа бермадим вағда,  
Ғима қилай қалитиб уни?  
Олиб кетди уни бобоси,  
Айни эйда лексиз далага.  
Қизиб эди адиқ хавоси,  
Ер ҳам, қўқ ҳам тўла қаллага!  
Қуни кела қайтми адиқдан  
Ҳ кўтарди бир сават номини.  
Қайтганидан бери у ердан  
Ота, дейди эди дехқонини.

### КОШКИ

— Ахшоманай! — дейди келсанай,  
Яшаб юрми, бўлими эмон.  
Азизликдан кўрат эксалар,  
Дилда уни иқадим иймон!

Мусулмонини кўрди қаноат,  
Сабр-шўриб шўриб устур.  
Қардир бешбақт намоз-қўроат,  
Бўлса басдиқ оғишат бутур!

Нисандани, в ортик эрим  
Хаддан ошса, гарми у ҳалат,  
Айдан тоғиб кетмасми ийим,  
Бандаларни алмасми малол?!

Неки хаддан бўлса энда.  
Дил ба ёру даст ба қоф, ахир.  
Ғзи бунёд этган Дунёда,  
Ғздан бўлак айб ҳам бор ахир?!

Қуниларни Аллоҳни сайлаб,  
Саҳабаси тўғмасак қошқи...  
Адашман, деб дуолаф айлаб,  
Адаштириб қўғмасак қошқи...

\*\*\*

Ғалм бўйи-бўйида етди.  
Қамалларни бурқини,  
Кели алка...

Ана...  
Жим у кўрага кетди...  
Ғитилларни соғишга елга.  
Онаси жим...

Мен энди жим...  
Шўрлар бедор кўра поғлашми.  
Деразани термайдим ҳел ким,  
Ҳари дилларга сабр ҳоғлашми?  
...Қайси қизга қўғилми боғланди,  
Боғлаб олган ким у зўғрига!..

Ойна терди...  
Қуниги боғланди...  
Ҳани салами эшик қуғрига!  
Шанбег,  
Ғити...

Ғонга тегаркан,  
Елга кетар айшан сўғимиз...  
Этаси ишга кетаркан  
Қиз тағлашми унга зўғимиз?  
Ғалм бўйи-бўйида етди!..

## Наманган аҳоликлари

### МУСИҚА БАЙРАМИ

Шу кунларда Наманганда муштоз мушиқадан тортиб замонавий мушиқача — барча жанрлардаги мушиқий асарлар янграмоқда. Бу ерда ёш ижрочиларнинг 14-республика тағлови ўтмоқда. Унда ўрта махсус мушиқа мактаблари ва санъат билим юрларининг 200 га яқин ўқувчилари иштирок этмоқда. Тағловнинг ўзига хос хусусияти шундаки, барча асарлар ўзбек халқ чолғу асбобларида ижро этилади. Ҳақамлар ўн кун давомида ёш ижрочилар маҳорати билан танишиб, келгусида республика мушиқа маданиятини ривожлантиришга хисса қўша оладиган энг истеъодли ёшларнинг номини маълум қилдилар.

### Олий ўқув юртига танловсиз киришад

Наманган вилоятдан тўққиз нафар юқори синф ўқувчиси олий ўқув юртига танловсиз кириш ҳуқуқини олди. Улар мактаб дастуридаги турли фанлар бўйича республика олимпиадаси голиби бўдилар. Наманган шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчилари айниқса ўзбек тили адабиёти, кимё, математика, инглиз тили каби фанлардан чўқур билим олганликларини кўрсатдилар. Вилоят ҳўқимлигида олимпиада голиблари учун тантанали қабул маросими уюштирилди. Ўқувчиларга ва уларнинг устозларига «Қамолот» республика ёшлар жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбахо совғалари топширилди.

УЗА

## Ғоғибон

### САККУЗИНЧУ ТУР НАТИЖАЛАРИ

Олий тоифадаги командалар ўртасида футбол бўйича миллий чемпионатнинг саккузинчи турида рақиблар майдоида тўп сурган меҳмонларнинг бўш келганини таъкидлаб ўтиш керак. «Зарафшон» футболчаларининг Тошкентнинг «Чилонзор» командаси устидан қозонган ғалабаси ана шу қутилмаган натижаларни бошлаб берди. Тошкентликлар ўз майдоида навоийликларга 0:1 ҳисобида ютқаздилар.

Фарғонанинг «Нефтчи» командаси футболчилари ҳам ўз майдонларида биринчи марта рақибларига ўйинни бой бериб қўйдилар. МХСК командаси билан бўлган бу учрашув 2:3 ҳисоби

билан тугади. Андижонлик футболчилар ҳам муҳлисларини ранжитиб қўйишди, Улар ўз майдонларида «Косонсой» футболчиларига 1:2 ҳисобида ютқаздилар. «Навабахор» «Насаф» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди, «Афросиёб» «Хоразм» командасини 4:1 ҳисобида ютди, «Сўғдиёна» билан «Трактор» спортчилари учрашуви 3:0 ҳисобида тугади. Учта учрашувда дарвозага бирорта ҳам тўп киритилмади. «Янгиер» — «Атласчи», «Сурхон» — «Бухорчи», «Пахтакор» — «Дўстлик» командалари учрашувлари ана шундай дуранг натижа билан тугади. Чемпионатда 24 ҳол тўплаган МХСК ҳақмон пешқадамлик қилмоқда. «Нефтчи» — иккинчи, «Пахтакор» — учинчи ўринда бормоқда.

"ТУРКИСТОН" газетасига 1997 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давлат эшмоқда!

ҲАМ ҚЎРҚАЙДИ

— ташкилотлар учун: 64653  
— яққа обуначилар учун: 64607

ТАДБИРКОР ВА ИШБИРАМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

Туркистон Қадим ва навқирон ўлка! «Туркистон» Республикада ягона ёшлар газетаси! «Туркистон» арзон ва сифатли рекламага қафолатдир! Ёшларга ишонинг, ёшлар фаолиятингиз таянчи!

РЕКЛАМА ВА ЭЪОНЛАР УЧУН

ТЕЛ. 33-95-97 33-79-69

Тошкентдаги Чорсу универмаги атрофида 2хонали квартира сотилади. Тел: 44 60 11

Ташкилот кўйидаги маҳсулотларни савдога чиқаради: Ош тузи, нақшли психик пинчқлари, тулов пул утказиш ва вексел билан аманга ошрилади

Мурожаат учун телефон: 51-72-90

Самарқанд дарвоза кўчасида Заҳарий торқуча ҳавзада 3 хонали, 4 сотиқчи ҳовли жой сотилади. Газлаштирилган, телефонли бор, тоза чимлик сув қувур утказилган. АГВ (янги, газ плита ва газ балонлар ҳам сотилади).

Воситачилар аралашмасин. Тел: 42-42-79 29-44-64

«ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ВА КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛАРИ»

"ИННОВАЦИЯ-97"

Республика илмий-амалий конференцияси инновацион биладириш

Ўзбекистон Республикаси ишларининг «Қамолот» жамғармаси, Навоий шаҳри ҳўқимияти, «Қивиндўқмакёметаллоотин» Давлат концерни, Навоий Давлат тоғ институти, «Ўзбекистон» илмий-саноат халқорик ассоциацияси, «Навоийлот» ишлаб-чиқариш билашмаси 1997 йил 19-20 май кўнлари Навоий шаҳрида «Инновацион-технологик ривожланиш ва кичик ишлаб-чиқариш қорхоналари тизимини яратиш муаммо ва истиқболлари» («Инновация-97») мавзуда республика илмий-амалий конференциясини утказди.

Конференция ишда қатнашиш истагини биладиган мутахассислардан ўз маърузаларининг тезисларини 1997 йил 30 апрелгача ташкилий қўмитага тағсия этишларини сўрашми.

Манъияимия:

- 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-11, «Қамолот» жамғармаси, 11-16 хоналар. Телефонлари: (8-3712) 41-28-07, 41-00-50. Факс: (8-3712) 41-08-09.
- 708600, Навоий шаҳри, Южная кўчаси-27а, Навоий ДТИ. Телефонлари: (8-436-22) 3-15-07, 3-12-70. Факс: (8-436-22) 3-16-40.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «ҚАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Ҳўқим: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТВОУТ ТАРҚАТИШ УОШМАС» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Шавкат ҚУЛИБОВ

ТАҲРИРИЯТ:

- Қабулкана — 36-56-58, 33-95-97;
- Ҳўқим бўлими — 36-54-64;
- Ҳўқим бўлими — 33-79-69; иждодкор ишлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватонипарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-46.

МАНЪИЛИМ: 70003 Ташкент Матбуоткорлар ағжаси 33-йўли Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳрират нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ.